4831

| "ТАСДИҚЛАНГАН" | "РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН" |
|---|---|
| "Қоракўлдонмахсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти | Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи А.Ш.Нарзуллаев |
| Кенгаш раиси: | |
| Ш.Узаков | _____ - сон |
| 2011 йил 14 май | (сана) М.Ў. |
| (сана) М.Ў. | |

# КЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

**«Қоракўлдонмахсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти**

**Идентификация рақами берилди:** R 4 1 D 4 C 0 0 8 5 T 0

**Эгасининг номи ёзилган, нақдсиз (ҳужжатсиз) шаклдаги оддий, номинал қиймати 2 00 (икки юз) сўм бўлган 591 029 800 (беш юз тўқсон бир миллион йигирма тўққиз минг саккиз юз) сўм миқдоридаги 2 955 149 (икки милион тўққиз юз эллик беш минг бир юз қирқ тўққиз) дона акциялар**

**Ушбу чиқарилувдаги акциялар (давлат улушини сақлаб қолган ҳолда) давлат активи сифатида чиқарилаётганлиги сабабли ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади**

Қимматли қоғозларнинг ушбу чиқарилиши тўртинчи чиқарилишдир.

**"Қоракўлдонмахсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти акциядорларнинг 2011 йил 14 майдаги умумий йиғилиш қарори билан тасдиқланган.**

**"Қоракўлдонмахсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти акциядорларнинг 2011 йил 14 майдаги умумий йиғилишда акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор қабул қилинган.**

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари:
**Бухоро вилояти, Қоракўл шаҳар, Тинчлик кўчаси, 47-уй**
**тел./факс 8 (365) 565-73-00**

Эмитентнинг раҳбари: _______________ М.Р.Раимов

Бош бухгалтер: _______________ С.К.Худайбердиев

Муҳр «____»__________ 2011 й.

1.Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозлар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий.**

2. Ушбу қимматли қоғозлар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз (нақдсиз).**

3. Ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг номинал қиймати (сўм): **2 00 (икки юз) сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозларнинг сони (дона): **2955149 (икки милион тўққиз юз эллик беш минг бир юз қирқ тўққиз) дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **591 029 800 (беш юз тўқсон бир миллион йигирма тўққиз минг саккиз юз) сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқлари:

**«Қоракўлдонмахсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятининг акциядорлари қуйидаги хуқукларга эга:**

- **Жамият акциядорлари реестрига киритилиш;**
- **депозитарийдаги депо хисоб-варағидан ўзларига тегишли бўлган кўчирмани олиш;**
- **Жамият фойдасининг бир қисмини дивидентлар тарзида олиш;**
- **Жамият тугатилганда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;**
- **Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;**
- **Жамиятни уставига мувофик жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлик ва тўғри ахборот олиш;**
- **олинган дивидентдан эркин тасарруф этиш;**
- **қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хуқуқларини химоя килиш;**
- **Жамиятнинг ғаразли хатти-харакатлари туфайли кўрган зарарни тўланишини талаб қилиш;**
- **қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эхтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш ҳуқуқига эга;**
- **ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;**
- **шунингдек акциядорлар амалдаги қонунчилик ва Жамият уставида кўрсатилган бошқа ҳуқуқларга хам эга.**

7. Ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

**Ушбу чиқарилаётган акциялар (давлат улушини сақлаб қолган ҳолда) давлат активи сифатида жойлаштирилиши белгилаб қўйилган.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **108 970 200 (бир юз саккиз миллион тўққиз юз етмиш минг икки юз) сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **517 101 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз ва 27 750 дона эгаси ёзилган нақд (ҳужжатли) акциялар.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **илгари облигациялар жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби. **Ушбу чиқарилишдаги акциялар солиқ олди қарздорлиги хисобига давлат активи сифатида (юқори ташкилоти Низом жамғармасини шакллантириш учун берилган давлат улушини сақлаб қолган ҳолда) Давлат мулки қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармасининг буйруғига белгиланганидек ёпиқ тарзда жойлаштирилуви амалга оширилади.**

11.1. Ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна) – **Ушбу чиқарилишдаги акциялар солиқ олди қарздорлиги ҳисобига давлат активи сифатида (юқори ташкилоти Низом жамғармасини шакллантириш учун берилган давлат улушини сақлаб қолган ҳолда) Давлат мулки қўмитаси Бухоро вилоят худудий бошқармасининг буйруғига белгиланганидек ёпиқ тарзда жойлаштирилуви амалга оширилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилишининг муддати: **Мазкур эмиссия доирасида чиқарилаётган хужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги эгаси ёзилган оддий акциялар Қимматли қоғозлар Марказининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида ёпиқ холда биржадан ташқари бозорларда битимларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш йўли билан жойлаштирилади. Акциялар чиқарилуви белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳамда эмиссия рисоласидаги маълумотлар "Биржа" газетасида эълон қилган санадан бошлаб икки хафталик муддатдан кейин акциялар жойлаштирилиши бошланади. Бунда кўрсатиб ўтилган икки хафталик муддат "Биржа" газетасида акцияларнинг чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида ахборот нашр этилиши санасидан бошлаб ҳисобланади. Агар икки хафтадан кейинги кун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияни жойлаштириш кейинги иш кунига ўтказилади. Мазкур эмиссия доирасида чиқарилаётган акциялар (юқори ташкилоти Низом жамғармасини шакллантириш учун берилган давлат улушини сақлаб қолган ҳолда) ва давлат активи ҳисобига жойлаштирилади.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги қимматли қоғозлар жойлаштирилишининг тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акциялар Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олингандан сўнг давлат активи сифатида (юқори ташкилоти Низом жамғармасини шакллантириш учун берилган давлат улушини сақлаб қолган холда) Давлат мулки қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармасининг буйруғига белгиланганидек ёпиқ тарзда жойлаштирилуви амалга оширилади.**

11.4. Кимматли когозларга бўлган хуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклини уз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган хукукларни хисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тугрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензиями берган орган, амал қилиш муддати): **Жамият қимматли қоғозларини сақлаш, акциядорлар реестрини шакллантириш амалдаги конунчиликга асосан Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Қимматли қоғозларга бўлган эгалик қилиш хукуқлари хисобини юритиш қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ва хизмат кўрсатувчи депозитарий «Бухоро Вақт» МЧЖ томонидан амалга оширилади.**

**Марказий регистратор тугрисида маълумот :**

тулик фирма номи - **Ўзбекистон Республикаси Қимматли Қоғозлар Марказий депозитарийси;**

ташкилий хукукий шакли – **давлат унитар корхонаси;**

жойлашган жойи – **Тошкент шахри, Миробод тумани, Бухоро кучаси 10 уй;**

почта манзили -**100000, Тошкент шахри, Миробод тумани, Бухоро кучаси 10 уй;**

телефонлари - **8 371-233-94-72, 236-14-34, 233-13-57 (факс), e-mail: info@deponent.uz, веб адрес www.deponent.uz;**

тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тугрисидаги маълумот – **лицензия йўқ, депозитарий Вазирлар Махкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли қарори асосида фаолият кўрсатади;**

**Акциялар конвертациясини амалга оширувчи депозитарийлар :**

а) тўлиқ фирма номи - **Ўзбекистон Республикаси Қимматли Қоғозлар Марказий депозитарийси;**

ташкилий хукукий шакли – **давлат унитар корхонаси;**

жойлашган жойи –**Тошкент шахри, Миробод тумани, Бухоро кучаси 10 уй;**

почта манзили -**100000, Тошкент шахри, Миробод туман, Бухоро кучаси 10 уй;**

телефонлари - **8 371-233-94-72, 236-14-34, 233-13-57 (факс), e-mail: info@deponent.uz, веб адрес www.deponent.uz;**

тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумот - **лицензия йўқ, депозитарий Вазирлар Махкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли қарори асосида фаолият кўрсатади;**

б) тўлиқ фирма номи - **Депозитарий «Бухоро Вақт»;**

ташкилий хукуқий шакли – **масъулияти чекланган жамият;**

жойлашган жойи – **Бухоро вилояти, Бухоро ш., Мустакиллик кучаси 10 уй;**

почта манзили - **200104, Бухоро вилояти, Бухоро ш., Мустакиллик кўчаси 10 уй;**

телефони - **8 365 - 223-52-83.**

тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумот - **Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2005 йил 24 февралда берилган 788-сонли лицензия.**

амал килиш муддати – **чекланмаган.**

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган қимматли коғозларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги акциялар ёпиқ холда (юқори ташкилоти Низом жамғармасини шакллантириш учун берилган давлат улушини сақлаб қолган ҳолда) ва давлат активи ҳисобига жойлаштирилиши муносабати билан имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилмайди.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги кимматли когозлар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Мазкур эмиссия доирасида чиқарилаётган акциялар давлат активи сифатида чиқарилаётганлиги сабабли номинал қиймати жойлаштирилади.**

11.7. Қимматли қоғозлар буйича тўловлар шартлари ва тартиби: **Мазкур чиқарилувдаги акциялар давлат олди солик қарздорлиги ҳисобига ҳисоб-китоб қилинади.**

11.8. Ушбу кимматли қоғозлар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам микдорда белгиланиши мумкин эмас): **Қўшимча чиқарилаётган акцияларининг 60 фоизи яъни 1 773 089 донадан кам қисми жойлашган такдирда ушбу акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилади.**

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган такдирда эмитент томонидан акциялар тулови сифатида олинган воситаларни кайтариш тартиби): **Қўшимча акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилганда соликолди қарздорлиги хисобидан акциялар учун бериладиган маблағ қайта солик қарздорлиги хисобига ўтказилади.**

12. Эмитент томонидан кимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор килиш тартиби: **Қимматли қоғозлар чиқарилуви тўғрисидаги қарори матни билан танишиб чиқиш жойи ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин "Биржа"**

**иктисодий газетасида чоп этилади.**

**“Биржа” иктисодий газетаси:**

**манзили - Тошкент шахри, 100003, «Ўзбекистон» шох кўчаси 55 уй,**

**банк реквизитлари - хисоб раками 20210000300152809901, УзСКБ МАМФ, МФО: 00442, СТИР: 201069080.**

**Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг асл нусхаси билан Қоракўл шаҳар, Тинчлик кўчаси, 47-уйда жойлашган “Қоракўлдонмахсулотлари” очиқ акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлар бўйича бўлимида танишиш мумкин.**

13. Бошқа маълумотлар. **Йўқ**